

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.

ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашиёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)

ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)

АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)

МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир:

Ташматова Т.

Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар:

Шералиева Ж.

Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60

Сайт: www.fdu.uz

Босишига руҳсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фаргона,
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Уринов, Ф.Маманазарова

Коэффициенти узилишга эга бўлган сингуляр коэффициентли тенглама учун чегаравий масала 6

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

М.Собиров, Ж.Аҳмадалиев, И.Усмонов

Хира муҳитлардаги иккиламчи қутбланган нурланишнинг қутбланиш характеристикаларида нейтрапл нукталарнинг ҳосил бўлиши 11

КИМЁ

И.Хикматуллаев, А.Матчанов, В.Хўжаев, С.Арипова

Physalis alkekengi ўсимлиги элемент таркибини исп-мс усули билан аниқлаш 16

Ж.Бекназаров, А.Ибрагимов, З.Болтаева, С.Маулянов

2,4-динитрофенил глицин ва 2,4-динитрофенил- α -аланиннинг Cu²⁺ билан металлкомплекслари синтези 22

Р.Казаков

8-синф кимё дарслигидаги мавзуларни ўзлаштиришда уй тажрибаларини такомиллаштиришнинг аҳамияти 26

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.Назаров, А.Мамажонов, М.Маматқулов, У.Усмонходжаев

Балиқ етиштиришнинг интенсив усули – ҳовуз балиқчилигининг юқори маҳсулдорлик омили 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Фофуров, Т.Хайдаров, Г.Холматжонова

Иқтисодий ўсишнинг драйвери - инвестиция, инновация ва илм-фан технологиялари 38

Т.Хайдаров

Туман худудларининг мажмуавий инновацион ривожлантириш муаммолари 43

И.Носиров

Ёшларнинг креатив ривожланиши – бу креатив бошқарувнинг юксалиш йўлидир 47

ТАРИХ

А.Маматқулов

XX аср 60-70 йиллари Самарқанд – Қарши иқтисодий райони: ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг жойлаштирилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар 50

Д.Юсупова

Хондамирнинг «Нома-йи-нома» асари – Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг XV–XVI асрлар маданият тарихига оид муҳим манба 58

А.Сабиров

Оғзаки тарих ва архив ҳужжатлаштириш технологияси масаласига доир 63

Х.Олимжонов

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Фарғона вилоятида кутубхона иши тарихи 69

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ ДРАЙВЕРИ-ИНВЕСТИЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ИЛМ-ФАН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ДРАЙВЕР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА - ИНВЕСТИЦИИ, ИННОВАЦИИ И НАУЧНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

DRIVER OF ECONOMIC GROWTH-INVESTMENT, INNOVATION AND SCIENTIFIC TECHNOLOGIES

Ғофуров Ахмадали¹, Хайдаров Турдали Махсудалиевич², Гулчехра Холматжонова³

¹Ғофуров Ахмадали

²Хайдаров Турдали Махсудалиевич

³Холматжонова Гулчехра

– иқтисод фанлари доктори, профессор.

– иқтисод фанлари доктори, профессор.

– Фарғона давлат университети иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Аннотация

Мақолада Ўзбекистонда инновацион ривожланишининг драйвери сифатида инвестицияларидан самарали фойдаланиб илм-фан, янги технологияларни янада ривожлантириш учун эркин иқтисодий зоналарни амалий ташкил этишини илмий таҳлили ва унинг натижаларидан фойдаланиши муаммолари кўриб чиқилган.

Annotation

In article discusses the problems of scientific analysis of the practical organization of free economic zones and the use of its results for the further development of science, new technologies with the effective use of investments as a driver of innovative development in Uzbekistan.

Annotation

This article discusses the problems of scientific analysis of the practical organization of free economic zones and the use of its results for the further development of science, new technologies with the effective use of investments as a driver of innovative development in Uzbekistan.

Таянч сўз ва иборалар: инновация, мамлакат иқтисодиёти, интеллектуал мулк, инсон капитали, илм-фан, технологиялар, минтақа, эркин иқтисодий зона, технологиялар, минтақа, инвестиция, саноат маҳсулоти, самарадорлик.

Ключевые слова и выражения: инновации, национальная экономика, интеллектуальная собственность, человеческий капитал, наука, технологии, регион, свободная технология, регион, свободная экономическая зона, инвестиции, промышленное производство, эффективность.

Keywords and expressions: innovation, national economy, intellectual property, human capital, science, technology, region, free economic zone, technology, region, investment, industrial production, efficiency.

Ҳозирги кунда дунёда кечётган мураккаб геосиёсий ходиса ва воқеалар, каранавирус пандемияси ва глобал иқтисодий инқироз шароитида Ўзбекистон очиқ ва прогматик ички ва ташки сиёсатни амалга ошириб бормоқда. Айниқса, ҳалқаро майдондаги қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимиз ва минтақамиз нуфузи ва обрў-эътибори тобора йилдан йилга ошиб бормоқда. Президентимизнинг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 – йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида,... “Мамалакатимиз сўнги йилларда нуфузли ва обрўли ҳалқаро тузилмалар томонидан тузилган Глобал инновацион индекс рейтингида иштирок этмаяпти” деб таъкидлаган эди.

Фармонда стратегик вазифа қилиб белгиланган ишларни ижросини таъминлаши

натижасида мамлакатимиз иқтисодиёти машҳур Глобал инновацион индекс (The Global innovation index GU) да 2020 йилда 93-уринни банд этди. Аслида бу индексда жами 131 мамлакат иқтисодиётига баҳо берилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон хукумати раҳнамолигида ҳалқимиз саъй-ҳаракати натижасида, ўз пешона тери билан ҳалқаро майдонда эришаётган ютуклари ҳақида Президентимиз 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга йўллаган Мурожатномасида ҳам алоҳида тўхталиб жаҳонда кечётган каронавирус пандемияси ва иқтисодий инқироз шароитда Республикамиз очиқ ва прогматик ташки сиёсатни фаол олиб бориб, мазкур нуфузли рейтинг бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида иккинчи уринни эгаллади (Қозогистон-77 урин, Қирғизистон-94 урин, Тожикистон-109 урин). Қайт қилиб ўтиш жоизки, бу жараёндан

ИҚТИСОДИЁТ

сўнг 10 йилликда рейтингдан жой олмай келаётган Ўзбекистон иқтисодиёти кўрсатгичлари учун жуда муҳим аҳамиятли тарихий ютуқ бўлди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётга илм-фан, технологиялар, инвестицияларларни жалб қилиш билан инновацион томон кўзланган мақсадларга, албатта, эришиш мумкун.

Бутунжаҳон интелектуал мулк ташкилоти (Wipo)нинг маълумоти бўйича, глобал инновацион индекс-бу мамлакатларнинг инновацион имконияти ва кўрсатгичлари рейтингидир. Бунда илмий тадқиқот институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар инфратузилмаси кредит, инвестиция, коммуникация мезонларига асосланган ҳолда инновациялари дараражалари ўрганади. Ўзбекистон республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг эътироф этишича, Глобал инновацион индекс-бу улкан кенг тармоқли тадқиқот бўлиб, унда амалий инновацион тараққиёт дарајасига дунё мамлакатлари (шу жумладан Ўзбекистон) рейтинги тузилади. Демак, глобал инновацион индекс мамлакатларнинг ҳар йили ўзларининг иқтисодий қобилияти инновацияларидаги эришган ютуқларига қараб тузиладиган ва амалга оширган натижалари рейтинги. Бу рейтинг якунлари одатда корпаратив ва ҳукumat томонидан мамлакатларнинг инновацияларини ўзаро таққослаш ва қиёслаш учун фойдаланилади. Жаҳон глобал инновацион индекс иқтисодиётининг саноати, инсон капитали инвестициялар, илм-фан, технологиялар, ижодий амалий ғоялар кабиларни баҳолаш компонентларидан иборат бўлади. Унинг рейтинг кўрсаткичлари дунё мамлакатлари иқтисодиётини ўзида қамраб олиб. У 80 га яқин кўрсаткичлар асосида аниқланади ва шаклланади. Шу ўринда савол туғилади: бизнинг мамлакатимиз, шу жумладан вилоятлар, бу нуфузли рейтингни қайси кўрсаткичлари билан рейтингда намоён бўлади.

Юқорида айтилганидек, мамлакатлар, минтақалар худудларидаги ҳусусиятларни ҳисобга олиб, бу рейтинг маълум мезонлар асосида ишлаб чиқарилади. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, жаҳоннинг иқтисодий тараққиётига ҳамоҳанг тарзда Президентимиз белгилаб берилган Инновацион тараққиёт стратегиясининг бош мақсади - инсон капиталини ривожлантиришга қаратилади. Демак, Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегиясини бош мақсадга эришишнинг натижаси сифатида 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг кучли 50 та илфор

мамлакати қарорига қарши шарт қилиб қўйилди. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро майдонидаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан ривожлантиришнинг белгиловчи асосий омили сифатида баҳолаш ва эътироф этиш мумкун бўлади.

Глобал инновацион индекс рейтингидаги энг муҳим бўлган 7 та кўрсатгич (компонент) бўйича Республикамиз эгаллаган позициясини қуидаги 6 та кўрсатгич маълумотларидан кўриш мумкун:

- 1) институтлар, бунда бизнес учун қулай шарт-шароитлар;
- 2) инсон капитали ва тадқиқотлар, бунда таълим харажатлари, ўкувчи, ўқитувчилар нисбатан, илм-фан ва мухандислик битиравчилар бўйича жуда яхши кўрсатгичга эга;
- 3) инфратузилма, бунда ҳукуматнинг онлайн хизмати ва сармояларни жалб қилиш ва шакллантириш бўйича кучлилиги;
- 4) бозорнинг нафслиги, бунда индикатор озчилик инвесторларни қабул қилиш қулийлиги, бунда ҳамма кўрсатгичлари кучли эканлигини намойиш эта олди;
- 5) фан ва технология натижалари, бунда илм-фан, потентлар ва сармоядорликнинг ўсиш бўйича кўрсатгичлар;
- 6) ижодий натижалар бунда маданий ва ижодий хизматларни экспорт қилиш кўрсатгичи баланд кўрсатгич ҳисобланади.

Шуни ҳам қўшиб қўйиш лозимки, бу олтига индекс рейтингидаги кўрсатгичлар Ўзбекистоннинг ҳозирги мавқеи, ўзига хос ҳусусиятлари, ташки ва ички юритилаётган сиёсатининг ҳисобга олган ҳолда еттинчисида асосий кўрсатгич таркибида биттасини заиф томонларимиз кўзга ташланади. Улар илмий дараҷали фанлар бўйича докторлар, университетлардаги рейтинг (42 ва 77 ўрин) ўринлариdir. Яъни ҳозирги кунда республикада илм-фан ва илмий фаoliyятга йўналтирилган маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,2 фоизни ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич қатор ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фانга йўналтирилаётган маблағларга нисбатан жуда кам. Шунинг учун илмий тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш дараҷаси юқори эмас. Илм-фаннынг 2030 йилгача ривожлантириш концепциясига мувофиқлаштириш лозим.

Бунинг сабаби шуки, илмий ташкилотлар улар томонидан йўл қўйилган инновацион корхоналарга, янгидан очилиши лозим бўлган ташаббускор илмий тадқиқотлар ҳусусий тадбиркорларга инвестиция ва банк кредити маблағларини жалб қилиш имкониятини

бермаслигидан келиб чиқмоқда. Демак, илм-фан 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қадар Глобал инновацион индекс рейтингида юқори погоналарни әгаллаш учун республиканинг айрим худудларида иқтисодиётни “ўсиш нуқтасини” топиш, унинг шакллантириш, натижадорлигини ошириш учун ҳам ички ва ташқи инвесторларни жалб қилиш жозибадорлигини ошириш, энг илғор фан- технологияларини жалб қилиш мақсадида ҳозирги энг ноёб тармоқ ва соҳаларда кичик саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқарилишини диверсификация қилиш, мавжудларини модернизациялаш қайтадан қуриш ва хорижий ва махаллий инвесторлар билан ҳамкорликда маҳсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш усусларини ва шаклларини янада такомиллаштириш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Минтақалар доираси, айниқса, инновацион фаолиятни молиявий таъминотсиз, маҳсус иқтисодий зоналарни ташкил этмасдан самарали иқтисодиётни амалга ошириб бўлмайди. Аслида мамлакатнинг ва минтақанинг инновацион ривожлантиришни таъминлаш учун илм-фан ва технологияга давлат бюджетидан талаб даражасида ёки икки ва ундан ортиқ фоизга, махаллий хусусий инвесторлар билан хорижий инвесторларни ҳам давлат-хусусий шерикчилик асосида маблағ ажратилиши лозим. Германия, Ж-Корея, Япония, Франция каби ривожланган давлатларда буз кўрсатгич 3-5 фоизгача етганлиги маълумдир.

Жамият ривожининг таянч нуқтаси хисобланган яна битта йўналиш бу маҳаллий худудлардаги маҳсус иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналари ёки, ёшлар саноат зоналари (майдонлари) иқтисодиётини бошқариш тизимининг зарурати, айниқса, шу куннинг муаммосини ечиш усулидир.

Минтақа худудида ривожлантиришнинг, “таянч нуқта”ларини тадбиркорлик салоҳияти, бунёдкорлик ва яратувчилик ҳислатларидан бугунги мураккаб давр талаби асосида самарали фойдаланиш учун муҳит ўзгариш қулай шароит яратиш керак. Шу билан бирга худудларда тадбиркорлик ташаббускорликни қўллаб-куватлаш, илимларга асосланган янгилаш ўринлари яратиш орқали аҳолининг даромад

манбаларини яхшилашда эркин иқтисодий зоналар, кичик саноат зоналарининг аҳамият амалиёт тасдиғини топмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон Фармонига мувофиқ ташкил этилган “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси тасарруфифа ер майдон биринчи навбатда 709,3 гектар майдон 3 та худуддан иборат бўлиб, Учкўприк тумани худудида жойлашган. Бугунги кунгача яъни тўрт йилдан зиёдроқ давр мобайнода “Қўқон” эркин иқтисодий зона худудига умумий қиймати 242,1 млн АҚШ доллари миқдоридаги 81 та инвеститция лойиҳалари жойлаштирилади. Шундан 2020 йилда 46 та лойиҳанинг умумий қиймати 126,1 млн доллар бўлиб, киритилган инвестиция ҳажми 149,1 млн долларни ташкил этган ҳолда 3965 нафар кишига иш ўринлари яратилган лойиҳа эгаларининг ер майдонлари 105,6 гектарни ташкил этди. 2020 йил уларнинг ишлаб чиқилган йиллик маҳсулотларини ҳажми 2 млрд 708 млн доллар четга экспорти 60,2 млн долларни ташкил этди. Эркин иқтисодий зонада жойлашган 81 та лойиҳа корхоналаридан “SHAFFOF METAN SANOAT” МЧЖ юқори босимли газ балонлари ишлаб чиқариш учун ихтисослашган бўлиб, 2020 йилда режалаштирилган жами 228,6 млн доллардан 14 млн 22 минг доллар хажмида инвестиция киритиб ишлаб чиқариш давом этмоқда. Яна улардан биттаси пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этилган “Kokand Future Shoes” МЧЖ ҳажми 111,9 млн долларлик инвестиция киритган “Қоқон” эркин иқтисодий зонада жойлашган барча хорижий ва маҳаллий инвесторлар томонида ҳар хил турда курилиш материаллари (болт гайка, электрод, зангламайдиган қувурлар), момиқ сочиқлар, сунъий мўйналар, қадоқлаш маҳсулотлари, велосепед эҳтиёт қисимлари, автоойналар, велосепед ишлаб чиқариш телевизорлар, полетилин ип кабилар ишлаб чиқаради.

2020 йил давомида Каронавирус пандемиясига қарамасдан ЭИЗда лойиҳа қиммати 109,1 млн АҚШ доллори миқдорида 47 та инвестиция лойиҳалари тўлиқ амалга оширилди. Ушбу корхоналар томонидан жами бир трлн 504 млрд сўмлиқ, ёки 144,0 млн АҚШ доллори миқдорида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 28,5 млн долларлик маҳсулотлар экспортга йўналтирилди. 2020 йилда “Қўқон” ЭИЗда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларининг Фарғона вилоят

ИҚТИСОДИЁТ

саноатида ишлаб чиқарилган жами маҳсулотлардаги улуши 7 фоизни ташкил этди. Мазкур маҳсулотларни энг замонавий технологияларда илимга асосланган маҳаллий кадрлар амалга оширилмоқда.

2021 йилнинг биринчи чорагида фойдаланишга топширилган 48 та саноат корхоналари томонидан топширилган 48 та саноат корхоналари томонидан усумумий қиймати 316,8 млрд сўмлик қийматидаги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Ушбу 48 та саноат корхоналари томонидан 7,2 млн АҚШ доллар миқдорида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари экспортга йўналтирилди. Мазкур корхоналарда бугунги кунда 3995 нафар ишчихизматчилар ўз касблари билан ишда бандир.

“Қўқон” ЭИЗнинг 2021 йилда мўлжалланган иш режасида яна қўшимча равишда 133,0 млн АҚШ доллар миқдоридаги 33 та лойиҳаларни амалга ошириш бўйича курилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Қайт этилган лойиҳаларнинг ишга туширилиш натижасида 5386 та янги иш ўринлари яратилишига имконият яратилади ва 56,2 млн АҚШ доллар миқдорида тўғридан-тўғри хорижий инвеститциялар ўзлаштирилади. лойиҳаларнинг 15 таси хорижий ҳамкорлар-Хитой, Хиндистон, БАА, Буюк британия, Туркия, сингари ва бошқалар билан амалга оширилаётгани фарғоналикларни мамнун этади.

Шунингдек, алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, “Қўқон” эркин иқтисодий зонанинг ҳозирги фойдаланилаётган ер майдони тошлоқ, гиёҳ ўсмайдиган бўш ер майдони бўлган. 709,3 гектар ерда экин экилиб қулайлик, ҳар гектаридан 1 млн сўмдан даромад олинса, 709 гектардан 70 млн 900 минг сўм миқдорга тенг бўлади. Эркин иқтисодий зонада 2020 йилда 1 трлн 504 млрд сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, уни 709 (га) тақсимланган ҳар бир гектарга ўртacha тўғри келадиган қиймат 2,1 млн сўмни ташкил этади ёки 2 баробардан зиёд даромат олинмоқда. Ундан ташқари ушбу иқтисодий зонада кундалик ҳаётда энг зарур ва четдан келтириладиган импорт маҳсулотлари ишлаб чиқарилади, уларнинг хом ашёси маҳаллий, таннархи арzonга тушади. “Қўқон” ЭИЗнинг янада ривожлантириш учун ундаги баъзи муаммоларни ёчимини топиш лозим:

- “Қўқон” ЭИЗнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш мақсадида унда иштирок этётган корхоналарга солиқ ва божхона тўловларидан имтиёзлар беришни;

- эркин иқтисодий зонанинг фаолиятини барқарор узликсиз ишлашни таъминлаш мақсадида унда бўшаб қоладиган маблағларни қўйидаги йўналишларда ишлатишга: Мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялашга реконструкция қилишган;

- технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш;

- кенгайтириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун диверфикациялаш;

- янги ишлаб чиқариш биноларини куриш, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зурур ҳом ашё ва материаллар ҳарид қилиш каби мақсадли йўналтирилган ҳамда, ўзининг ишлаб чиқариш эҳтиёжларини тўлдириш учун олиб кириладиган янги ускуналар, ҳом ашё, материаллар ҳамда бутловчи ишлама ва буюмларни, маҳсулотни экспорт қилиш жараёнида вужудга келадиган қўшилган қиймат солигининг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан божхона тўловларидан (асосий йиғимларидан ташқари) озод қилиш тизимини яна йўлга қўйиши;

- “Қўқон” ЭИЗдаги мавжуд кулай инфратузилмадан оқилона фойдаланиш ва янги тадбиркорларни сони ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасини 604-сонли “Махсус иқтисодий зоналар тўғрисидаги” ги қонуннинг 16-моддаси 1 бандида келтириб ўтилган (эркин иқтисодий зоналар худудида амал қилиш учун таклиф этилган инвестиция лойиҳаларига доир алоҳида талаблар) инвестиция буюртмаси топширилган пайтдан эркин иқтисодий зоналар худудларда амал қилиш учун таклиф этиладиган инвестиция лойиҳалари ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ёки унда (ЎзРес) ишлаб чиқариш хажмлари ички бозорнинг эҳтиёжларини қопламайдиган янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни назарда тутадиган бандини тўлдириш лозим;

- мазкур ЭИЗ иштирокчиларини имтиёздан фойдаланувчи ва фойдаланмайдиган турлари бўлиб, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш

учун имтиёзлардан фойдаланмайдиган ЭИЗнинг иштирокчиси мақомини бериш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади;

- 2021 йил “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш иили”да эзгу ишга жалб этиладиган барча саноат корхоналари, айни пайтда юртимизда эркин иқтисодий зоналарини ва кичик саноат зоналарини тезкор инновацион

ривожлантириш бўйича етарли тажриба тўпланган энди ортирилган тажрибалар асосида мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарлари худудларида “Ёшлар кичик саноат зоналари” ташкил этиш, уларда ёшларнинг инновацион лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфратузилма обьектларини жойлаштириш ҳам муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Қўқон эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрьдаги 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғриси”даги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси олий мажлисига йўналтирилган 2020 йил 29 декабрдаги президентимизнинг мурожаатномаси. – Халқ сўзи. -2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи. – Халқ сўзи. -2020.
5. Қўқонни ривожлантиришнинг таянч нуқтасини топиш зарур. – Фаргона хақиқати., 2020 йил, 2 сентябрь. - 2021 йил, 26 январь.